


Жума фарз қилинган оят



12:05 / 03 май 811

الْجُمُعَةِ يَوْمٍ مِنَ الصَّلَاةِ نُودِيَ إِذَاءَ آمَنُوا الَّذِينَ يَتَأَيَّهَا

كُنْتُمْ إِنْ لَكُمْ خَيْرٌ ذَلِكَمُ الْبَيْعِ وَذَرُّوا اللَّهَ ذِكْرِي إِلَى فَاسْعَوْا

تَعْلَمُونَ ٩

«Эй иймон келтирганлар! Жума кундаги намозга чорланганда Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, ана шу ўзингиз учун яхшидир» (Жума сураси, 9-оят).

Бу ояти каримада мўмин-муслмонлар жумага боришга амр қилиняпти. Феълнинг буйруқ майли эса вожибликка далолатдир. Намоз вақтида тижорат ва бошқа машғулотларни тарк этишга бўлган буйруқ унинг бажарилиши зарурлигини таъкидлайди. Зеро, у намозларнинг афзали ва бу умматга берилган мукофотдир.

سَنَأُكُمْ هَلْ لَآ يَضُرُّكُمْ نَع
أَيُّ هَلْ لَآ قَدْ دُوَّيْ لَآ نَمَ الْجَر
يَفُؤَيَّآ، نَيِّنْمُؤْمَلَا رِيْمَأ
وَلَاهَنُؤَرْقَتُ مَكِبَاتِك
تَلَزَنَ دُوَّيْ لَآ رَشْعَمَ أَنِيْلَع
،أَدِيْعَ مَوْيْ لَآ كِلَذَ أَنُدَخَّتْ أَل

إِلَيْهَا أَنْفَضُوا هَوًّا أَوْ : لَآ قَدْ ؟ِؤَيَّآ يَآ : لَآ قَدْ

رَمْعَ لَآ قَدْ فِ ۞ النَّجْرَةُ لِلَّهِ عِنْدَ مَا قُلَّ قَائِمًا وَتَرْكُوكَ
مَوْيْ لَآ كِلَذَ أَنُفَرَعُ دَق

هَي فُتَلَزَن يَدْلَا نَاكَ مَلَاو
مِئْأَقِ وَهَوِ رِي بِنَلَا يَلَع
هَأَوْرِيَّةُ مُجَلَا مَوِيَّةَ فَرَعَب
يَذِمُّرْتَلَاو نَاخِي شَلَا

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Яҳудийлардан бир одам у кишига: «Эй мўминларнинг амири, Китобингизда бир оят бор, сизлар уни ўқийсизлар. Агар биз, яҳудийлар жамоасига нозил бўлганида эди, ўша кунни байрам қилиб олар эдик», - деди. У киши: «Қайси оят?» - деб сўрадилар.

«Бу кун сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» ояти», - деди. Шунда Умар: «Биз ана шу оят Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга нозил бўлган кун ва жойни жуда яхши биламиз. У зот жума куни Арафотда тик турган эдилар», - дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Мазкур ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида нозил бўлган. Ислом дини бандаларга Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат эканини мусулмон бўлмаган инсофли шахслар ҳам эътироф этмоқда. Уламоларимиз ўз китобларида ишончли манбалардан ривоят қилишларича, яҳудийлар ҳазрати Умар розияллоху анхунинг ҳузурларига келиб: «Китобингизда бир оят бор, сизлар уни ўқийсизлар. Агар биз, яҳудийлар жамоасига нозил бўлганида эди, ўша кунни байрам қилиб олар эдик», - деган экан. Ҳазрати Умар розияллоху анху уларнинг қайси оятни назарда тутаётганларини билгач: «Биз у кунни бир эмас, икки байрам: ҳам жума, ҳам қурбон ҳайити қилиб олганмиз», - деб жавоб берган эканлар.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан

